


13-мавзу:

*Иқтисодий ўсиш ва
миллий бойлик.*

*Иқтисодиётнинг циклиги ва
макроиқтисодий барқарорлик.*

Режа:




- **13.1.** Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари
- **13.2.** Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши
- **13.3.** Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг циклиги. Иқтисодий инқирозлар.
- **13.4.** Иқтисодий цикл назариялари. Циклнинг иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларига таъсири.

- **Иқтисодий ўсиш** бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.



Иқтисодий ўсишнинг салбий ва ижобий жиҳатлари



*Иқтисодий
ўсиш*

```
graph TD; A[Иқтисодий ўсиш] --> B[Ишлаб чиқаришга қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобига]; A --> C[Ишлаб чиқаришда ресурслардан янада самарали фойдаланиш ҳисобига]; B --> D[Экстенсив йўл]; C --> E[Интенсив йўл];
```

Ишлаб чиқаришга қўшимча
ресурсларни жалб этиш
ҳисобига

Экстенсив йўл

Ишлаб чиқаришда
ресурслардан янада самарали
фойдаланиш ҳисобига

Интенсив йўл

Экстенсив иқтисодий ўсишга
ишлаб чиқаришнинг аввалги
техникавий асоси сақланиб
қолган ҳолда ишлаб чиқариш
омиллари миқдорининг
кўпайиши туфайли эришилади




**Интенсив иқтисодий ўсишга
янги техникани қўллаш, ишчи
кучи малакасини ошириш,
шунингдек мавжуд ишлаб
чиқариш потенциалидан
яхшироқ фойдаланиш йўли
билан эришилади.**



Иқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва таркибий тузилиши

Иқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва таркибий тузилиши



Макроиктисодий даражада иқтисодий ўсишнинг асосий қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:



ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг мутлоқ ҳажми ва унинг ўсиш суръати;



ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бош ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;



ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;



Миллий бойликнинг
турлари:

1. Моддий
буюмлашган
бойлик

2. Номоддий
бойлик

3. Табиий
бойлик





- **Иқтисодий цикл** ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий ҳолатидан, ёки бир инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракатидир. Цикл инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш фазаларини ўз ичига олади.

Цикл тўғрисидаги назариялар

Китчин цикли 2-4 йил давом этади.


Жуглар цикли 7-12 йил давом этади.

Кузнец цикли 16-25 йил давом этади

Кондратьев цикли 40-60 йил давом этади

Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.

Иқтисодий цикл фазалари



Иқтисодий цикл фазалари

Инқироз

Иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиб кетишини англатади.

Турғунлик

Иқтисодий фаоллик ўзининг энг пастки даражасида турғун бўлиб қолади.

Жонланиш

Иқтисодий фаоллик турғунлик ҳолатидан чиқиб, аста-секин ўсиш тамойилига эга бўлади.

Юксалиш

Иқтисодий фаоллик инқироздан олдинги даражадан ҳам юқорига кўтарилади.

Аграр инқирозлар қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлардир

Намоён
бўлиш
шакллари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган анча кўп захираларининг тўпланиши.

Нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойданинг камайиши.

Фермерлар қарзларининг ортиши, уларнинг оммавий равишда синиши.

Қишлоқда ишсизларнинг кўпайиши.

Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетиш сабаблари

Ерга хусусий мулк ҳукмронлиги шароитида қишлоқ хўжалиги ўз ривожланишида саноатдан анча орқада қолади.

Ер рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг ўсиб бориши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматлаштириб, уларни сотишни қийинлаштиради.

Кўплаб майда ишлаб чиқарувчилар (деҳқонлар) мавжуд бўлиб, улар инқироз даврида ҳам асосий ҳаёт кечириш манбаи ҳисобланган ишлаб чиқаришини тўхтата олмайди.